
Фурқат туманида текис ва равон кўчалар яна 8 километрга ўсди

Бугунги кунда "Болтакўл" маҳалла фуқаролар йиғинида асфальтланмаган кўчани топиш мушуқул.

Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябр кунги "Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси ва осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида "қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида яна 8.2 км ички йўллар асфальтлаштирилди.

Асфальтлаш ишлари аввалида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 1.4 км сув қувирлари ётқизилди.

Бундан ташқари яқин кунларда ушбу маҳаллада дастурларга асосан қўшимча 7.1 км ички йўлларни асфальтлаш ишлари олиб борилади.

Бу каби эзгу ишлар халқимизни узоғини яқин, мушуқулини осон қилишга хизмат қилади. Дастурларга кўра, тумандаги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида шу каби ишлар амалга оширилмоқда.

2023-06-06 08:16:47